

3-14-2019

AYYUB GULYAMOV AND THE STUDY OF THE CASE SYSTEM IN THE UZBEK LANGUAGE

Fazliddin Galievich Sharipov
Gulistan State University, sharipovdpr@mail.ru

Nasiba Xasanovna Toshtemirova
26th school of Mirzaabad district

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Higher Education Administration Commons](#)

Recommended Citation

Sharipov, Fazliddin Galievich and Toshtemirova, Nasiba Xasanovna (2019) "AYYUB GULYAMOV AND THE STUDY OF THE CASE SYSTEM IN THE UZBEK LANGUAGE," *Bulletin of Gulistan State University*. Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 10.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2020/iss1/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of Gulistan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК 372.881.11

AYYUB GULYAMOV AND THE STUDY OF THE CASE SYSTEM IN THE UZBEK LANGUAGE

АЙЮБ ГУЛОМОВ ВА ЎЗБЕК ТИЛИДА КЕЛИШИКЛАР ТИЗИМИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

АЙЮБ ГУЛЯМОВ И ИЗУЧЕНИЕ СИСТЕМЫ ПАДЕЖЕЙ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

¹Шарипов Фазлиддин Галиевич, ²Тоштемирова Насиба Хасановна

¹Гулистон давлат университети, 120100. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, IV микрорайон.

²Мирзаобод тумани 26-мактаб, 120901. Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани, Тошкент МФЙ.

E-mail: sharipovdpr@mail.ru

Abstract

The article gives an overview of the history of the study of cases in Uzbek linguistics and provides comments on the study of the morphological system of the Uzbek language. This is the contribution of the linguist Ayyub Gulyamov to Uzbek linguistics. Contains information on the content of concepts in the Uzbek language parts of speech, root, base, suffix. There are also comments in the Uzbek language parts of speech, root, base, suffix. etc. in the works of Ayyub Gulyamov. Commenting on the history of studying the system of verbs in Uzbek linguistics, it is certainly necessary to refer to the work done in the 1920 s on the history of studying the morphological system of the Uzbek language. The special form of the “category of cases” was studied in detail by I. Zieeva, T. Inoyatov, A. Yuldashev, G. Ruziev, A. Marufov, R. Rasulov, Sh. Rakhmatullaev and others. In general, it is known that the study of the case system began much earlier in Turkology, including in Uzbek linguistics.

Keywords: Uzbek linguistics, case system, case forms, parts of speech, root, base, suffix.

Аннотация

В статье дается обзор истории изучения падежей в узбекской лингвистике и даются комментарии по изучению морфологической системы узбекского языка. Это вклад лингвиста Айюба Гулямова в узбекскую лингвистику. Статья также содержит информацию о содержании таких понятий в узбекском языке, как части речи, корень, основание, суффикс. Есть также комментарии о части речи, корне, основании, суффикса узбекского языка в произведениях Айюба Гулямова. Комментируя историю изучения системы глаголов в узбекской лингвистике, безусловно, необходимо сослаться на работу, проделанную в 1920-х годах по истории изучения морфологической системы узбекского языка. Особую форму «категории падежей» подробно изучили И. Зиеева, Т. Инояттов, А. Юлдашев, Г. Рузиев, А. Маруфов, Р. Расулов, Ш. Рахматуллаев и другие. В целом известно, что изучение системы падежей началось гораздо раньше в тюркологии, в том числе в узбекской лингвистике.

Ключевые слова: узбекская лингвистика, система падежей, формы падежей, части речи, корень, основание, суффикс.

Ўзбек тилшунослигида келишиклар тизимининг ўрганилиш тарихи борасида фикр билдирилганда, албатта, XX асрнинг 20-йилларида ўзбек тили морфологик тизимининг ўрганилиш тарихи бўйича қилинган ишларга мурожаат қилиш лозим. Жумладан, Қувондик Қодиров «Ўзбек тили морфологик тизимининг ўрганилиш тарихидан» мавзусида тадқиқот олиб бориб, унда асосан «Ўзбекча тил сабоқлари» (Мунаввар Қори, Қаюм Рамазон, Шорасул Зуннун), «Тил сабоқлиги», Ш.Зуннуннинг «Ўзбекча тил қоидалари» ҳамда Фитратнинг «сарф»

асарларидаги морфологияга оид қарашларга эътибор қаратганлиги маълум. Ана шу ишлар ичида А.Фитрат «Сарф» асарида «отнинг грамматик категориялари» сарлавҳаси остида сон, эгалик, келишик, эркалаш-кичрайтириш категорияларига алоҳида тўхталиб ўтади ва *-нинг, -да, -дан, -га (-ка, -ка, -га)* келишик аффиксларини келтириб, уларга қисқача изоҳ беради, холос. Уларнинг ўзига хос ички хусусиятларини кенг шарҳламайди. Умуман, келишиклар тизимининг ўрганилиш тарихи бўйича жуда қисқа маълумот бериб ўтилганлиги кузатилади.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Ўзбек тилшунослигида ХХІ асрнинг бошларида (2008) жамоатчилик томонидан (асосан, ЎЗМУ ўзбек тилшунослиги кафедрасининг етакчи олимлари иштирокида тузилган) нашр этилган «Замонавий ўзбек тили», Морфология, қўлланмасида «Келишик категорияси тадқиқи тарихидан» рукнида ҳам, биз юқорида таъкидлаганимиз каби, «Ўзбек тилшунослигида келишик шаклининг ўрганилиш тарихи тилшунос А.Ғуломов тадқиқотидан бошланади» деган фикр қайд этилади. Бунда, албатта, олимнинг «Ўзбек тилида келишиклар» рисоласи назарда тутилган [1]. Шундан сўнг академик А.Н.Кононовнинг асарларида, хусусан, унинг машҳур «грамматика»сида «бу системанинг формал тавсифи берилди» тарзидаги фикр билдирилади. Тадқиқотда кузатиш, таҳлил ва қиёслаш методларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Ўзбек тили келишиклар тизимининг ўрганилиши бўйича бу қўлланмада айтилган фикрларни айнан келтирамиз: «Келишик категориясининг алоҳида шакли формал тадқиқ усулида И.Зиёева, Т.Иноятов, А.Йўлдошев, Г.Рўзиев, А.Маъруфов, Р.Расулов, Ш.Раҳматуллаев ва бошқалар томонидан атрофлича тадқиқ қилинди. Улар тадқиқотида келишикнинг нутқий маъноси ва синтактик хусусияти ёритилди. Келишик шаклининг системавий тадқиқи Ҳ.Неъматов, Ш.Шаҳобиддинова, З.Қодиров томонидан амалга оширилди. Олимлар ишида келишик категориясининг умумий-лисоний грамматик маъноси тикланди» (китоб, 354-бет). Шундан сўнг Ҳ.Неъматов «Чегара келишиги» (УТА, 1971, 4-сон), З.М.Қодировнинг «Ўзбек тили грамматик категориясини систем таҳлил этиш» (келишик категорияси): фан номзоди дисс. автореферати, А.Нурмонов ва бошқалар томонидан нашр этилган «Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология (75-100-бетлар) тадқиқотларига ҳавола берилган. Шу билан бирга, айтиш керакки, ушбу фикрларда биров ҳолислик етишмагандек. Ёки муаллиф А.Ғуломовнинг «Ўзбек тилида келишиклар» китобини кўриб чиқмасдан шундай фикрни айтиб юборган бўлиши ҳам мумкин. Чунки олимнинг бу китоби ноёб ҳолга келган бўлиб, у мерос сифатида 2008 йилда қайта нашр этилди (4-китоб). «Замонавий ўзбек тили, Морфология қўлланмаси эса 2007 йили нашр учун топширилган эди. Агар муаллиф тилшунос А.Ғуломовнинг асарини аввал кўрган бўлса эди, «Келишик шаклининг системавий тадқиқи Ҳ.Неъматов, Ш.Шаҳобиддинова, З.Қодировлар томонидан амалга оширилди» деган фикрни уйлаброк билдирган бўлар эди.

Умуман олганда, аввало келишиклар тизимини ўрганиш туркологияда, жумладан, ўзбек тилшунослигида анча илгарироқ бошланганлиги маълум. Иккинчидан эса, ўзбек тилидаги келишиклар тизими З.Маъруфов, М.Қодиров, С.Муталибов, Р.Қўнғуров, Ш.Раҳматуллаев, С.Солиев каби яна бошқа олимлар томонидан ҳам тадқиқ этилганлиги кўпчиликка маълум. Энди бевосита А.Ғуломовнинг ХХ асрнинг 40-йилларида бу системани ўрганишига муносабат билдирадиган бўлсак, унинг асарини қисман бўлса-да таҳлил қилишимиз лозим.

Асар катта ҳажмли, тахминан 6 босма табоқдир. Китоб «Сўз боши ўрнида», «Кириш», «Бош келишик», «Ундош келишиги», «Қаратқич келишиги», «Тушум келишиги», «Жўналиш

келишиги», «Ўрин-пайт келишиги», «Чиқиш келишиги» - жами 7 та; «Кўмакчили конструкция» (156- 157-бетлар) қисмларидан ташкил топган. Бундан ташқари, А.Ғуломов ўзининг «Ўзбек тилида аниқловчилар» (1940) китобида жуда катта қисми «Қаратқичли синтагма» сарлавҳаси билан қаратқич келишиги шакли ва эгалик кўшимчаси муносабати масаласига бағишлаган (12-48-саҳифалар) [2].

Китобнинг «Кириш» қисмида энг аввал 3 та ҳукми англаймиз: 1) отларнинг келишиклар билан турланиши бош келишикдаги ҳолатнинг ўзгаришидир; 2) келишиклар отларларнинг бошқа сўзлар билан бўлган муносабатини кўрсатади...; 3) бу муносабат предметнинг (буни келишик билан турланувчи от ифода этади) бошқа предмет билан, ё ҳаракат билан, ё бошқа белги билан бўлган алоқасини, боғланишини ифодалайди»[3] («Мерос», 88-бет). Бу ҳукмларнинг бирортасини инкор этиб бўлмайди. Чунки келишиклар тизимининг туб моҳияти (қандай ёндашмайлик) ана шу фикрларда ўз ифодасини топган. Кейинги ҳукмлар қуйидагича берилган: «Келишиклар формаларни ўзгартиришигина эмас, у ҳаммадан бурун маъно ҳодисасидир. Отларнинг нутқ ичида турли тус олиши маънога қараб, шунинг талаби билан бўлади. Келишиклар отнинг гапдаги ролини кўрсатади». Ушбу хулосаларнинг бирортасини ҳам (учта хулоса берилган) ҳозирги кунга қадар, қайси йўналишдаги таҳлил асосида ёндашилмасин, ҳеч ким бекор қила олган эмас. Чунки бу хусусиятлар айнан келишик тизими учун хосдир.

Кейинги ҳукм келишикларнинг аталишига алоқадор. «Келишикларнинг аталиши уларнинг асосий-етакчи функцияларига кўра бўлади: Ҳар бир келишикнинг маъноси, грамматик вазифаси жуда кўпдир, шу вазифалардан бири унинг ҳоким томонини (ҳоким - «етакчи, асосий» маъноларида қўллаган - Ш.Ф.) ташкил этади, ўша келишик шу ҳоким томонига кўра аталади. Масалан: «-дан» формасини олган отлар чиқиш ўрни, сабаб, восита, қиймат, чоғиштириш, ошириш каби кўп маъноларни ифодалай олади, бироқ биринчи маъно унинг асосий хусусиятидир; шунга кўра у чиқиш келишиги аталади. Демак, ҳеч бир келишикнинг номи унинг бутун (барча маъносида) томонини ўзида акс эттира олмайди» [3].

Келишиклар тизими борасида айтилган ушбу ҳукмларнинг бирортасини ҳар қайси таҳлил усулидан фойдаланмайлик, яна инкор этиш мушкул (шу кунгача системавий ёки структур тадқиқ қилиш билан ҳам, агар шундай бўлган бўлса, йўққа чиқариб бўлмайди).

Навбатдаги ҳукм ўзбек тили келишикларининг миқдори борасида бўлиб, олим «улар сони шу кунгача олтига эди, ... биз янги бир келишик - ундош келишиги (звательный падеж)ни орттирдик: бу келишик ўз хусусиятига кўра тилимизда бош келишикдан айримлик ҳолатига эгадир» деган қарашни илгари суради. Албатта, ўзбек тилшунослигининг ўзида ҳам келишиклар миқдори бўйича ҳар хил ҳукмлар айтилгани маълум: чегара келишиги (-гача), ўхшатиш келишиги (-дай) кабилар, яъни баъзан 8 та, баъзан 9 та, баъзан эса 6 та келишик (шевалар бўйича фарқланишлари ҳақида ҳам фикрлар мавжуд) қайд этилади. Шунга қарамай, 6 та келишик шакли кўпчилик томонидан тан олинган. Ҳатто, А.Ғуломовнинг ўзи ҳам кейинроқ ана шу миқдорни тўла тан олган. Кўринадики, олимнинг ўзбек тилидаги келишиклар миқдори ҳақидаги ҳукми қисман инкор этилган. Бироқ бу ҳам жуда ишонарли эмас. Ҳали бу масала узил-кесил ечимини топгани йўқ. Эҳтимол, ўзбек тилида, ҳақиқатан ҳам, келишиклар сони 7 тадир (кейинги вазифа, чунки олимнинг фикрида, изоҳларида ҳам асос борга ўхшайди).

Шундан кейин А.Ғуломов ўзбек тили келишикларининг қўлланишидаги умумий хусусиятларни 12та пунктда изчил изоҳлаб беради. Биринчи пунктда келишик кўшимчаларининг ўзак, негизларга қўшилиш тартиби ҳақида хулоса баён қилинган, яъни ўзак, негизларга тўғридан тўғри қўшила олгани каби сон, эгалик кўшимчаларидан сўнг қўшила олиш айтилади. Иккинчи пунктда бир ўзакка икки келишик кўшимчаси қўшилиб кела олмаслиги айтилиб, тил тарихида, қисман, жонли сўзлашувда истиснолар кузатилиши

сен+инг+да, уйда-ги-ларга, бир йилданга кесилди, уч сўмданга сотилди каби мисоллар - ҳолатлар тўғри изоҳланади (улар олим назаридан четда қолмайди).

Учинчи пунктда айрим келишик шакллариининг ифодаланмай қолиши (белгили-белгисизлик - Ш.Ф.) ҳақида фикр билдирилиб, бу билан улар бош келишик саналмайди, бошқарувчи сўз билан боғланиш уларнинг бошқа келишик эканлигини, кўшимчасини аниқлаб беради. Бу икки турли қўлланиш маъно талаби билан бўлишини изоҳлайди. Ҳозирги тилшуносликда «у китоб ўкиди» тарзидаги гапларда («Магазиндан китоб олди» мисоли ҳам бор) китоб сўзи бош келишик шаклидадир деб қараётганлар ҳам йўқ эмас. Шунга қарамай, олимнинг бу фикри ўринли айтилган деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчи пунктда келишик кўшимчаларининг кўмакчилар билан муносабати масаласи ёритилган: а)кўмакчилар келишикнинг эквиваленти эканлигига ишора бор; б)баъзан иккиси бирга келиши мумкинлиги, бунда кўмакчи кейин келиши баён қилинади; в)бундай ҳолларда айрим семантик ўзгаликлар бўлиши ҳақида фикр билдирилади.

Бешинчи пунктда келишик кўшимчаларининг бирликдаги отларга ҳам, кўпликдаги отларга бир хил кўшилиши, унли ва ундошлардан, сўзнинг қаттиқ-юмшоқ, жарангли-жарангсиз ундош билан тугаши каби ҳолатларда вариантлилиikka эга бўлиши ҳақида ўринли фикр айтилади.

Олтинчи пунктда яна бир муҳим жиҳат айтилади. Бошқарилувчи сўзлар бошқарувчидан аввал келади, шеъриятда ўзгариш ҳолати бўлиши мумкин (услубий жиҳатга эътибор -Ш.Ф.) Бошқарилувчи ва бошқарувчи одатда кетма-кет келади, баъзан ажратилган ҳолда ҳам келиши мумкинлиги (вазифани тез бажарди). Бунда бўлакларнинг аҳамияти, логик урғу роль ўйнаши қайд этилади.

Шу ўринда А.Ғуломов қаратқичнинг баъзи хусусиятлари билан келишикдан айримлик ҳолатларига ҳам эга (ундаги бўлакларнинг шахс жиҳатидан мослашган бўлиши) эканлигини айтиб, шундай бўлса-да уни келишиклар қаторида қолдириб, ўша хусусиятларини ўз ўрнида кўрсатиб ўтганлигини таъкидлайди.

Еттинчи пунктда форс тилидан кириб, ўзлашиб қолган таркиблар (таркиби изофий, таркиби тавсифий)га кўшилувчи келишик кўшимчалари аниқловчига кўшилади (ҳолбуки, ўзбек тилида доим аниқланмишга кўшилади), бироқ мазмунан аниқланмишга қаратилган бўлиши асосли баён қилинади: Мардуми Фарғона+ни каби.

Саккизинчи пунктда сўзга келишик кўшимчаси кўшилгач, урғунинг унга кўчиши ҳақида, қолган пунктларда ўзакка келишик кўшимчаси кўшилганда ўзакнинг ўзгариши, баъзи сўзлар келишик кўшимчалари бўлган ҳолда равиш саналиши (жиҳатидан, чиндан, орқасидан, ёнидан, у ёққа, буёққа), бироқ қаратқич билан турланганда от ҳам бўлиб кела олиши, бир хил келишикдаги сўзлар уюшиб келганда келишик шакллариининг энг охириги сўзга ёки ҳар бир сўзга кўшилиши, бундаги услубий жиҳатлар изоҳлаб берилган. Бу ҳолатларнинг ҳар бири асосланган. Улар, ҳақиқатан ҳам, келишикларнинг умумий хусусиятларидир.

Ана шу умумий жиҳатлардан кейин ҳар бир келишикнинг ички ўзига хос бошқа жиҳатлари китобда имкон доирасида тўла қайд этилган. Ҳар бир келишикнинг маънолари, функциялари, тарихий қўлланиши, жонли сўзлашувдаги ўрни каби хусусиятлари ёритилган, жумладан бош келишикнинг хусусиятлари 13 пунктда баён қилинган. Бу тарздаги талқин ва таҳлиллар асар яратилгунга қадар бирор ишда кузатилмайди. Шунинг учун, бемалол айтиш мумкинки, А.Ғуломовнинг ушбу тадқиқоти ўзбек тили келишиклар тизимига илмий ёндашувнинг, субстанциал ёндашувнинг яхши намунаси сифатида қаралиши мумкин. Чунки шу системани тадқиқ этган ишларнинг бирортасида унинг хусусиятлари Айюб Ғуломов даражасида чуқур тадқиқ этилмаган. Олимнинг ушбу иши 40-50-йиллардан кейин яратилган, келишик тизимига бағишланган қатор тадқиқотлар учун назарий манба вазифасини бажарган.

Албатта, ўзбек тилшунослигидаги тадқиқотларда келишик шакллариининг ўзаро маънодошлик ёки вазифадошлик муносабатларига, қатор (кетма-кет-ич-ка-ри-га) қўлланишига, аффикслар десемантизацияси каби жуда кўплаб жиҳатларга ҳам эътибор қаратилгани, шунингдек, уларнинг маълум кўмакчилар билан бошқарилиши, маъно ҳамда функциядошлиги каби масалалар ҳам имкон доирасида ўрганилган. Жумладан, Р.Қўнғуров ўзининг «Отларда форма ясовчи аффиксларнинг семантик-стилистик хусусиятлари» мавзусидаги докторлик диссертациясида келишик аффиксларининг ўзаро маънодошлиги борасида гапиради: талабалардан бири - талабаларнинг бири; отни миниб - отга миниб, ошни е - ошдан е ва ҳоказолар. Бу ишда муаллиф мазкур ҳодисага грамматик шакллар маънодошлиги тарзида қарайди. Бошқа ишларда бу ҳодиса синтактик синонимия тарзида баҳоланиши қайд этилади. Бу ишларда *укамга олдим - укам учун олдим* типидagi конструкциялар тадқиқ объекти ҳам бўлган [4], [5], [6].

Шу каби *менинг боришим керак - мен боришим керак; тезда бориб келаман - тездан бориб келаман* каби мисоллардаги *-нинг, -дан* аффикслари десемантизацияси каби ҳолатга ҳам эътибор қаратилган. Хуллас, профессор А.Ғуломов бошлаб берган иш турли жиҳатларни ўрганишни мақсад қилиб олган ҳолда, унинг қарашлари, йўналишлари асосида давом эттириляпти, олимнинг асосий қарашлари ўз тасдиғини топяпти, тўлдириляпти, ривожлантириляпти, дейиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Қодиров Қ. Ўзбек тили морфологик тизимининг ўрганилиш тарихидан. Т., 2007. - Б. 3-18.
2. Ғуломов А. Ўзбек тилида аникловчилар. Т.: 1940. - Б. 12-48.
3. Айюб Ғуломовнинг илмий мероси. Т.: - Б. 88.
4. Тожиев Ё. Ўзбек тилида аффиксал синонимия, докт.диссерт. Т., 1991 й. - Б. 53.
5. А.Мамажонов. «Қўшма гап стилистикаси», Т., 1990. – 67 б.
6. Тўйчибоев Б. «Синтактик синонимика» Т.,1991. - Б. 9-17.

References:

1. Qodirov Q. O'zbek tili morfologik tizimining o'rganilish tarixidan. T., 2007. - P. 3-18.
2. G'ulomov A. O'zbek tilida aniklovchilar. T.: 1940. - P. 12-48.
3. Ayyub G'ulomovning ilmiy merosi. T.: - P.88.
4. Tojiev Yo. O'zbek tilida affiksal sinonimiya, dokt.dissert. T., 1991. – P. 53.
5. A.Mamajonov. «Qo'shma gap stilistikasi», T., 1990. – P. 67.
6. To'ychiev B. «Sintaktik sinonimika» T.,1991. – P. 9-17.